inScience through time and space

Жамият ва инновациялар –
Общество и инновации –
Society and innovations
Journal home page:
https://inscience.uz/index.php/socinov/index

Lexical norms of the legal language

Gulnora GULYAMOVA[1]

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:
Received April 2021
Received in revised form
20 April 2021
Accepted 15 May 2021
Available online
25 June 2021

Keywords:
lawmaking,
vocabulary,
formal style,
neologism,
written speech,
microsystem,
genesis,
term,
vocabulary,
nomination.

ABSTRACT

This article discusses legal vocabulary, legal language terminology, topical issues, some lexical shortcomings of legal texts, translation, principles of using words in writing. It also pays attention to the principles of word use, which are very important for the formal style, choice and correct spelling of variants of tokens in texts.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.
This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru)

Юридик тилда лексик меъёрлар

Калит сўзлар:
қонун ижодкорлиги,
лексика,
расмий иш услуби,
неологизм,
ёзма нутқ,
микротизим,
генезис,
термин,
луғат,
номинация.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада юридик лексика, юридик тил терминологияси, бундаги долзарб муаммолар, юридик матнлардаги баъзи лексик нуқсонлар, таржимачилик соҳасида айрим камчиликлар, ёзма нутқда сўз қўллаш принциплари хусусида фикр юритилади. Шунингдек, расмий услуб учун ўта муҳим ҳисобланган сўз қўллаш меъёрлари, матнларда лексема вариантларидан ҳамма учун тушунарли бўлган кўринишини танлаб олиш ва тўғри ёзиш, юридик тушунча тил қодалари асосида ёритилиши каби масалаларга ҳам эътибор қаратилган.

[1] Associate Professor, Candidate of Philology. Tashkent State University of Law. Tashkent, Uzbekistan

Лексические нормы юридического языка

Ключевые слова:
законотворчество,
лексика,
официально-деловой стиль,
неологизм,
письменная речь,
микросистема,
генезис,
термин,
словарь,
номинация.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются юридическая лексика, терминология юридического языка, актуальные вопросы, некоторые лексические недостатки юридических текстов, перевода, принципы использования слов в письменной речи. В нем также уделяется внимание принципам словоупотребления, которые очень важны для формального стиля, выбора и правильного написания вариантов лексем в текстах.

Янги Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги тарихий тажриба, қадриятлари асосида тараққий этиб, ҳуқуқий демократик давлат қуриш томон жадал бормоқда. Муҳтарам Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза).

Шундай экан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик жамиятнинг муҳим тамойилларидан бирига айланган. Шундай экан, қонунлар мазмун-моҳиятига кўра адолатли кучга эга бўлиб, халқ учун аниқ, тушунарли бўлмоғи лозим, меъёрий ҳужжатлар тили пухта, равон, аниқ, тушунарли тилда бўлиши – давр талабидир. Қонунлар муайян тоифадаги кишилар учун эмас, балки жамиятнинг барча аъзолари учун тааллуқли бўлади.

Шу боис, қонун ижодкорлигида, энг аввало, адабий тил, айниқса, сўзтанлаш ва қўллаш меъёрлари талабларигақатъий амал қилиш шарт, акс ҳолда қонун ўз қимматини йўқотади. Шунингдек, қонунлар, аввало, давлат тилида тайёрланиши, муҳокама қилиниши, бошқа тилларга таржима қилиниши, зарур бўлганда эса бошқа тилдан ҳам қабул қилиниши лозим.

Ҳар бир соҳа тили тараққиёти шубҳасиз, адабий тил ривожига маълум маънода ўз ҳиссасини қўшади. Худди шундай юридик тил ҳам ўзининг тўғри қўлланиши, жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи асос бўлиб хизмат қилиши билан адабий тил равнақига таъсир этади. Юридик тил ўзига хос лексикаси билан ўзбек тили луғат қатламида алоҳида ўрин тутади.

Ёзма нутқда сўз қўллаш принципи, айниқса, расмий услуб учун ўта муҳим ҳисобланади. Сўз қўллаш меъёрлари деганда лексема вариантларидан ҳамма учун тушунарли бўлган кўринишини танлаб олиш ва тўғри ёзиш тушунилади.

Юриспруденцияга оид ҳар қандай фикр, муносабат, тушунча лексикада ўз ифодасини топади, яъни муайян объект, ҳолат, жараённи акс эттириш учун танланган сўз ифода қолипига, шаклига мос тушмас экан, ҳеч қандай юридик муносабат, мулоқот, муомала (фикрлашув) юзага чиқмайди. Демак, фикрнинг

воқелиги ҳам, мавжудлиги ҳам тилда намоён бўлади. Тилсиз, сўзсиз ҳеч қандай аниқ ва тайёр ҳолдаги юридик фикр бўлмайди.

Маълумки, жамият ривожланар экан, табиий, янги тушунча, сўзлар пайдо бўлади. Бу жараёнда тилларнинг ўзаро таъсири ва аралашуви катта аҳамиятга эга. Чунки ана шу жиҳат ҳам миллий луғат таркибининг бойишига сабаб бўлади, янги тил бирликлари яралишига шароит яратади. Демак бу ҳолат ҳар бир миллат тили лексикасида ўзлашган сўзлар қатламини ҳосил қилади. Ушбу қатлам мавжудлиги хорижий сўзни ўз ҳолича қабул қилиш ёки таржима қилиш эвазига бўлади.

Тилшуносликнинг талабига кўра, бирор бир тилга бошқа тилдан сўз ёки сўз бирикмаси ўзлаштирилса, бунда ўша сўз ёки фикрнинг оригиналдаги маъноси диққат-эътиборда бўлмоғи шарт, акса ҳолда сўз мавқеига путур етади.

Афсуски, таржимачилик соҳасида на фақат юридик тилда, балки бошқа соҳалар тилида ҳам бир қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуд. *Сейф – ёнмас сандиқ; конференция, симпозиум, конгресс – анжуман; бегемот – сув оти; журнал – жарида; массаж – уқалаш; ветеран – кайвоний; пенсия – нафақа; транспорт – нақлиёт; декларация – баённома, баёнот; архив – ҳужжатхона; официант – гиргиттон, целлофан – сувўтказмас, шампунь – сочмой кўпиги, степлер – узиб-улагич* каби таржима вариантлари шулар жумласидандир. Халқ бундай сўзларни бемалол тушунармикан? Аллақачон оригинал ҳолда ўзлашиб, муомалага кетган қатор сўзларни бошқаси билан алмаштириш шартмикан? Бу каби ўгирмалар, энг аввало, халқ учун қийинчилик, ноқулайликлар туғдириб, фикр чалкашлигига олиб келмасмикан?

Тилимизга кириб келаётган хорижий сўз ёки сўз бирикмасининг унга мос келадиган таржимаси топилмаса, муқобили топилгунга қадар уни оригинал ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, юридик соҳада *“неустойка”, “протест”*каби сўзлар ўзбек тилида шундайлигича қўлланиб келинмоқда.

Таржима қилинаётган ҳар қандай соҳага оид сўз, сўз бирикмаси, фикр, асар лингвистика ҳамда мантиқ илмлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда яратилиши лозим. Чунки сўз ёки фикрнинг лўнда, аниқ, равон таржимаси тил орқали амалга оширилса, нутқнинг асл моҳиятини мантиқ ифодалайди. Улуғлар таъкидлаганидек, мантиқсиз нутқ бемаъниликка олиб келади.

Талаб даражада таржима қилинган сўз ёки бирикма тушунчаси ижтимоий-сиёсий ҳолатни, муайян вазиятни тўғри тушунишга ёрдам беради, ташаббус, мустақил фаолият, ҳолатга ижодий ёндашишга имкон яратади.

Демак, ҳар бир соҳага доир сўз ва бирикмалар таърифининг аниқ ифодаланиши ҳамда тўғри бўлиши ишнинг сифатли амалга ошиши, шунингдек, ахборот алмашинувининг осон кўчишига ҳам ижобий таъриф кўрсатади.

Ҳуқуқ кичик тилининг лексик таркиби шундай макротизимки, у гинезис, семантик белгилар, номинация усулларига ва микротизимнинг функционал аҳамиятига кўра ўзаги бир бўлмаган ифодаларни бирлаштиради. Худди шундай ҳуқуқ кичик тилининг умумий лексик воситалари махсус матнлар шакллантиришни таъминловчи муайян функционал услубга мансуб бирликлар билан боғлиқдир. Юридик тилга оид матнлар ахбороти махсус лексика воситалари томонидан ифода қилинади ва бу лексика ўзаги бир бўлмаган лексик бирликлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Фан ва техника ривожланар экан, табиий, янги тушунча, сўзлар пайдо бўлади. Бу жараёнда тилларнинг ўзаро таъсири ва аралашуви катта аҳамиятга эга. Ана шу жиҳат ҳам миллий тил луғавий таркибининг бойишига сабаб бўлувчи омил ҳисобланади, янги-янги тил бирликлари (сўз ва терминларнинг) ва шаклларнинг ривож топиши учун замин ҳозирлайди. Шу боис, ўзбек тили лексикасида ҳам ўз қатламдан ташқари бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар қатлами мавжуддир. Демак, неологизмлар, янги сўз ва терминлар жамиятдаги эҳтиёж боис пайдо бўлади.

Халқ томонидан ўзлаштирилган сўз ёки сўз бирикмаси халқнинг умуммуомаладаги лексикасига айланиб боради. Лингвистика талабига кўра, бирор бир тилга бошқа тилдан сўз ёки сўз бирикмаси ўзлаштирилса, бунда ўша сўз ёки фикрнинг оригиналдаги маъноси диққат – эътиборда бўлмоғи лозим. Мазмунга эътибор бермаслик сўз мавқеига салбий таъсир қилиши мумкин.

Шу боис тушунча, айниқса, юридик тушунча тил қодалари асосида кенг ёритилмас экан, юридик тилнинг тараққиёти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Яратилаётган қонунларимизни, энг аввало, оддий фуқаро тушунсин, унинг моҳиятини тўлиқ англасин. Яъни қонунларни барча бирдек етиб борсин. Ҳуқуққа оид ҳар қандай расмий фикр, тушунча, муносабат лексикада ўз ифодасини топади. Расмий юридик фикрнинг мавжудлиги ҳам расмий юридик тилда намоён бўлади. Шундай экан, юриспруденция тармоқларига оид ҳар қандай тушунча сифати, қонунларнинг амалиётда тўғри татбиқ этилиши бевосита тилнинг луғавий бирликларига боғлиқдир. Ана шундай сўз ва бирикмалар ёрдамида соҳа мутахассислари ҳар бир ҳолатнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, реал мазмун белгиларини аниқлаб олади.

Ҳар бир соҳа тили тараққиёти шубҳасиз, адабий тил ривожига маълум маънода ўз ҳиссасини қўшади. Худди шундай юридик тил ҳам ўзининг тўғри қўлланиши, жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи асос бўлиб хизмат қилиши билан адабий тил равнақига таъсир этади. Юридик тил ўзига хос лексикаси билан ўзбек тили луғат қатламида алоҳида ўрин тутади.

Тўғри, ҳозирги юридик тил, хусусан, юридик терминология борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Қонун тили, қонунчилик техникаси, юридик терминологияга бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шундай бўлсада, мазкур масалада ҳали ўз ечимини топа олмаган қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, юридик жумла ва матн тузиш, юридик лексика, терминни ишлатиш ўрни, хусусан, таржимачилик соҳасида айрим камчиликлар кўзга ташланиб қолмоқда. Халқаро ҳуқуқ тили эса ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Юридик матн таркиби ҳамма учун тушунарли, содда ва қисқа тузилиши лозим, акс ҳолда фикр мазмуни аҳоли онгига етиб бормайди. Бунда, албатта, лексиканинг ўрни беқиёс. Матнда ноўрин қўлланган сўз ёки бирикма тушунча мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилишга тўсиқ бўлади. Жумладан, айрим юридик матнларда умумхалққа тушунарсиз бўлган *сажия, мувозий, хаби* каби сўзлар қўлланилмоқда. Бу ҳам юридик тилнинг ёзма нутқ талабларига зид ҳолат деб ўйлаймиз.

Юридик матн тузишда ва ёзишда адабий тил воситаларининг умумхалққа тушунарли бўлган муқобил вариантлари танланиши шарт. Афсуски, ёзма нутқда лексикани ўринли қўллаш борасида ҳам қатор муаммолар мавжуд. *Тақиқ, масъул, афв, татбиқ, фидойи, суиистеъмол, фармойиш* каби сўзлар халигача юридик

ҳужжатларда *таъқиқ, маъсул, авф, тадбиқ, фидоий, суйистемол, фармойиш* тарзида ёзиб келинмоқда.

Бунинг асосий сабаблари юридик матннимантиқий-мазмуний ёритишда юридик тил бирликларининг услубий вазифасини пухта билмаслик, ҳатто дефис ва тиренинг функционал талабларини тушунмаслик, юридик ёзма нутқнинг луғавий ва терминологик меъёрларини ёзма нутқда тўғри қўллай олмаслик, бир фикрни иккинчи фикрга боғлай олиш малакасининг сустлиги кабилардир. Натижада айрим юридик жумлалар ғализ тузилмоқда, матнларда фикр ноаниқлиги, норавонлиги, чалкашлигига йўл қўйилмоқда.

Ҳар қандай соҳа мутахассисининг саводхонлик даражаси унинг умуман тилни билиши билан эмас, балки адабий тилнинг оғзаки ва айниқса, ёзма шаклларидан тўғри фойдалана олиши билан баҳоланади.

Шу боис, ҳозирги куннинг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири – юридик тилнинг ёзув талабларини пухта ўзлаштирган, ёзма нутқ амалиётида юридик лексиканинг функционал хусусиятлари, ўрни ва аҳамиятини пухта тушунган, ҳар қандай ҳуқуқий вазиятларда юридик тил воситаларидан тўғри фойдаланиш маҳорати, шунингдек фикрни ёзма баён этишда юридик тил лексик воситаларидан фойдаланиш уқувига эга бўлган малакали етук кадрлар тайёрлашдир.

Шундай экан, бўлажак юрист мутахассисларга ёзув қонуниятларини пухта ўргатиш, юридик тил ёзув нормаларини эгаллаш, лексика танлаш талаблари, матнни имло, стилистик ва пунктуацион қоидалар асосида тузиш, лексик-семантик таҳлил қила олиш, ёзма таржима услубларини эгаллаш, чет тилидан ўзбек тилига ва аксинча, ўзбек тилидан чет тилига эркин ёзма таржима қилиш кўникма ва малакаларини такомиллаштириш юридик таълимнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Усмонов С. Юристнинг нутқмаданияти. Дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти. 2010.

2. Gulyamova G.Y. Legal Thesaurus–Factor Ensuring Terms Monosemanticity // Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.

3. Khashimova D. et al. The role of electronic literature in the formation of speech skills and abilities of learners and students in teaching Russian language with the Uzbek language of learning (on the example of electronic multimedia textbook in Russian language) //Journal of Language and Linguistic Studies. – 2021. – Т. 17. – №. 1.

4. RAMAZONOV N. Alisher Navoiyda tahrirni tahrir // Editing the Editing in ‘AlīShīrNawā’ī’s Poetry], O‘zbek tili va adabiyoti. – 2006. – №. 1. – С. 17–23.

5. Зиямухамедова Ш.Т. Структурный анализ информационно коммуникационных терминов в узбекском языке // International Journal of Innovative Technologies in Social Science. – 2019. – №. 4 (16).

6. Niyazova U.P., Talipova D. The Progressive Development of Uzbekistan on Influence of Pedagogical Staff // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 2. – PP. 328–332.

7. Чориев О. Сочетание права и литературы в понимании сущности криминала юридическими кадрами // Reviewoflawsciences. – 2020. – Т. 3. – №. Спецвыпуск.

8. Маҳмудов Н., Рафиев А., Йўлдошев И., Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш. – Т.: Чўлпон. 2012.

9. Gulyamova PhD G. Features of formation of the concept of the national innovation system // The Light of Islam. – 2019. – Т. 2019. – №. 4. – С. 38.

10. Кўчимов Ш. Юридик тил назарияси ва амалиёти. – Т.: ЖИДУ. 2013.

11. Nasiba N., Madinabonu A. The Role of Literary Texts in Teaching (On the Example of Modern Literature–Z. Prilepin) // International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 5. – PP. 4120–4126.

12. Холмирзаева С. Давлат тилида иш юритиш. ЎМК. 2016.

13. Гулямова Г. Масофавий таълим шароитида юридик терминлар гипонимияси ва синонимиясини ўрганиш // Юридик фанлар ахборотномаси. ТДЮУ. 2020. Б. 250–254.

14. Ramazanovna P.U. The formation and development of academic written by law students // Наука, образованиеикультура. – 2020. – №. 2 (46).

15. Матенов Р.Б. О синтаксической организации юридического текста // XV виноградовские чтения. – С. 66.

16. Фаттахова А.Р. Повествовательная стратегия а. ганиевой в призме читательской компетенции студенческой молодёжи // Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2.

17. Po‘lotjonovna N.B. Lyric Hero Spiritual World and Creative Worldwide // Psychology and Education Journal. – 2021. – Т. 58. – №. 1. – С. 2431–2435.